



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 3 март, чоршанба № 35 (1668)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Чирокчи худуди жихатидан вилоят туманлари ўртасида энг катта туман ҳисобланади, бу ерда 284 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. 134 та кишлоқ бўлиб, 52 та маҳалла ва кишлоқ фуқаролар йиғинларига бириккан.

«ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ» КОРХОНАСИ

Тумандаги 126 та ташкилот ва корхоналарда, кишлоқ ва маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари жуда барвақт бошлаб юборилди, дейди туман ҳокими Файзулла Ашуров. Бу йил баҳорда камда ҳар бири киши ҳисобига икки туздан кўчат экиб, диёримизни боғу бўстонга айлантириш ташаббуси билан чиққанлигимиз кенг жамоатчилик томонидан қизғин қўлиб олинди. Туман «Маҳалла», «Нуроний», «Қамолот», «Соғлом авлод» жамағатлари вакилларининг ибрати энг чекка кишлоқларга етиб борди. Автомобил йўллари бошқармаси жамоаси амалга ошираётган ишлар, айниқса, қувонарлиқдир.



Дарвоқе, биз корхонада бўлган кунимиз бошқарма бошлиғи Юсуф Мухаммадиев бошлангич касабани уюшма кўмитаси раиси Баҳодир Қулбулов ва бир неча илгор ишчилар ҳамроҳлигида 80 ёшни қоралаб қолган Сайдулла Худойбердиевлар хонадонига йўл олишгаётган экан. Ҳамкасбларини кўриб, отахон бениҳоя севиниб кетди. Меҳмонларни ўтказгани жой тополмай қолди. Назаримда, у ёшари кетгандек эди. Корхона касабани уюшма кўмитаси раисининг таъкидла-

лиққа олганлиги ҳам бағрикенгликнинг бир кўринишидир.

Янгилик!

Туманда жами 568 минг тул турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш мўлжалланган бўлиб, бугунгача 30 мингдан ортиқ мевали, 184 минг тул терак, 157 минг туздан ортиқ манзарали кўчатлар ўтказилди. Туман маркази ободонлаштирилиб, қичқинлардан тозаланди.

Шу ўринда жуда кўплар учун бир янгилик. Туманда «Ободонлаштириш» корхонаси ташкил этилди. Тажрибали соҳибкор Абдураҳим Жалиев унинг раҳбари этиб тайинланди. Алоҳида кўчат етиштирадиган майдон ҳозирлиниб, дарахт кўчатлари экишга тайёрланган. Корхонанинг мақсад ва вазифалари – ўлкаимиз янада обод ва гузалликка бурқашдан иборат. Шу билан баргаликда бу ерда 20 дан ортиқ янгидан иш ўринлари яратилди.

Ободонлаштириш ишларида туман тиббиёт бirlашмаси, «Оқ олтин», «Додик», «Уйшун», «Қумдар» кишлоқ фуқаролар йиғинлари, «Чирокчи 105-автокорхона», «Урмон ҳужалиги» сингари ташкилот фаоллари алоҳида ўрнатилган. Туман ҳокими ўринбосари Шавкат Шокировнинг айтишича, бу иш мавсумий эмас, йил бўйи давом этади. Ободлик аввало кўнглидан бошланади, деб бежиз айтмайди.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири

НОЁБ УСКУНА

Пойтахт «Ташаббус-2004» кўрик-танловида шаҳарнинг барча туманларидан келган ўн бир қатнашчи ўртасида Ташкентдаги «Акватех» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси директори Альбина Сафарова ғалаба қозонди. «Акватех» ҳар қандай манбадан олинган сувни тозалаш учун ноёб ускуналар ишлаб чиқаради. Уларнинг ёрдамида турли эҳтиёжлар учун сувни тозалаш мумкин. Нафақат сузиш хавзаларидаги сувни бактериялардан тозалаш, балки бутунлай мусаффо ҳолатга олиб келиш мумкин. Дарвоқе, корхона ускуналари Туркия, Германия, Испания ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган шундай ускуналар билан рақобатлашмоқда.

Хўжалигимизга қарашли «Қасаба» боғ ва узумчилик ширкати аъзолари 426 гектар майдонда меҳнат қилишди. Шундан 290 гектарини узумзорлар, 136 гектарини мевали боғлар ташкил этади.

Утган йилнинг соғуқ келиши кўпга боғ ва узумзорларимизга катта талофат etkazди. Табиийки, мўлжалланган даромад ҳам олинмади. Жорий йилда боғбонларимиз зўр иштиёқ билан ишга киришдилар. Мазҳуд узумзор ва боғлар Хайитмурод Кўчкинов, Абдусаттор Алибоев, Ражаб Норматов, Холмурод Жалиев сингари 14 нафар гудратчиларга бўлиб берилди. Соғуқ урган боғ ва узумзорлар ўрнида «Узун» ўрмончилик хўжалигидан олий навли мевали дарахт ва ток кўчатлари олиб келинди. Айни вақтда кўчат ўтказиш ишлари ниҳосига етай, деб қолди.

Кўчат экиш ишларида Сайфиддин Ойнабоев, Абдураҳмон Адиев, Баҳодир Холлиев, Шерали Тўхтамовиш кабилар кўпчиликка ибрат кўрсатишди. Умуман олганда, ширкатнинг 303 нафар фидойи боғбонларининг самарали меҳнати туфайли ҳозиргача 10 минг туздан ортиқ мевали дарахт, 4 мингдан зиёд узум кўчатлари ўтказилди. Айтганча, яқинда бу ерда ёш боғбон Хайдар Қурбонов бошчилигида кўчатчилик бригадаси ташкил этилди. Ҳозирда бригада аъзолари 20 гектар майдонда ёғочбор терак устиришмоқда. Келгусида ширкатда мевали дарахт ҳамда узум кўчатлари етиштириш

ҳам йўлга қўйилади. Яна бир гап. Ширкат худудида маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан,



маҳалла гузари қурилиши хашар йўли билан амалга ошириляпти. Гузар ишга тушган бу ерда аҳоли учун тиббий пункт, сартарошхона, суратхона, бир неча савдо дўконлари, нор чеҳи, теғирмон, автохизмат шохбаси ва кишлоқ бозори хизматидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Дониёр ЖОЛИЕВ, Кўмқўрган туманидаги С.Бойматов номидаги ширкат хўжалиги касабани уюшма кўмитаси раиси

ТАРМОҚ МУВАФФАҚИЯТИ

«Ўзкспомарказ»да «Ўзбек қурилиш ҳафталиги» бешинчи халқаро кўргазмаси очилди. Бу тадбир доирасида биринчи марта «Мебел ва ишлаб чиқариш технологиялари» (MebelExpo) кўргазмаси ўтказилмоқда. Уни Буюк Британиянинг ITE JV Ltd. халқаро кўргазма компанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори Itesa-Osiyo компанияси ташкил этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз қурилиш тармоғи барқарор ривожланиб, мамлакатимиз иқтисодиётига катта ўрин эгалламоқда. Кўргазмалар, анжуманлар, конференциялар ўтказилиши, ишбилармонлик алоқа-

ларини ўрнатиш, тажриба алмашиш марказлари фаолияти, давлат, илмий, лойиҳа ва тижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик тармоқнинг муваффақиятли ривожланишига хизмат қилмоқда.

«Ўзбек қурилиш ҳафталиги-2004» мамлакатимизда энг кенг қўламли кўргазма бўлиб, бу ерда қурилиш материаллари соҳасидаги янги технологиялар билан танишиш мумкин.

Мазкур кўргазмада Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Ташкилотнинг алоқалар агентлиги, «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси, «Файз» холдинг компанияси ва бошқа ташкилотлар расман қўллаб-қувватлашди.

Агар ўтган йили қурилиш кўргазмасида қирққа яқин хорижий корхона иштирок этган бўлса, бу йил кўргазмага яқин ва узоқ хориждан 80 дан ортиқ компания тўпланди. Улар орасида Австрия, Белгия, Германия, Финляндия, Буюк Британия, Италия, Россия компаниялари бор. «Акватех», «Анд-поли», «Temir Engineering» каби мамлакатимиз корхоналарининг махсулотлари ҳам кенг намойиш этилмоқда.

«Қурилиш ва пардозлаш материаллари», «Вентиляция ва иситиш тизимлари», «Дераза, эшик ва витражлар», «Интерьер ва дизайн», «Электртехника ва бритиш» каби бўлимлар келганларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Мебел ва ишлаб чиқариш технологиялари» кўргазмаси хорижий ва мамлакатимиз компаниялари учун мебел ишлаб чиқариш технологиялари, мебелни лойиҳалаш ва тайёрлаш, дизайн соҳасидаги сўнгги ютуқларни намойиш этишининг ажойиб имкониятидир.

(ЎЗА)

Меҳнат муҳофазаси

Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси меҳнат муҳофазаси ва шароитлари экспертизаси бўлими томонидан ўтган йили 369 та корхона ва ташкилот ўрганилиб, уларга ёзма кўрсатмалар берилди. Корхоналарда 3385 та қонда ва меъёрлар бузилишлари бўлганлиги учун 60 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Уларга 677 минг 500 сўм жарима солинди. Ўтган давр мобайнида ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар туфайли 6 нафар киши вафот этди. 4 нафар киши эса оғир жароҳат олди. Мисол учун 2003 йил 8 ноябр кун тахминан 11.30 ларда Баҳмал тумани маиший хизмат коллежи ишчиси Мамаражаб Убайдуллаев иш вақтида оғир тан жароҳати олган. Сабаби, у меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилмаган. М.Убайдуллаевга 142 минг 673 сўм тоvon пули ва нафақа маъмурият томонидан тайинланди.

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОНДАН ФОЙДА ЙЎҚ

Сирдарё вилоят худудидаги корхона ва ташкилотларда 4 та ўлим билан ва 7 та оқибати оғир тан жароҳати олган бахтсиз воқеалар содир бўлди, дейди меҳнат муҳофазаси ва шароитлар экспертиза бўлими бошлиғи Т.Абдуразоқов. — Мисол учун Оқ олтин туман «Сардоба» пахта тозалаш корхонаси ишчиси Рашид Турдиевнинг иш жараёнида ўнг қўлини циклон чайнаб кетди. Мутасаддилар томонидан ишловчиларнинг техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиб ишлашларини назорат қилмаганлиги сабабли бир ишни ногирон бўлиб қолди. Рақбарларнинг масъулиятсизлиги оқибатида Мирзаобод туман машина-трактор парки ишчиси А.Донобоев бошқарувидаги «КЕЙС» комбайнининг устига чиққан вақтида юқори қучланган электр симига тегиб, ҳалок бўлди. Энг ачинарлиси, А.Донобоевнинг оиласига ҳалигача 2,5 миллион сўмлик тоvon пули тўлангани йўқ. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Янгиёр шаҳар 25 МКК ошпаза марҳум Э.Янгибоевнинг оиласи 2 миллион 592 минг сўм, Мирзаобод туман Оқ олтин - ДФХБ ёнидаги омбори мудир Т.Сулаймоновнинг оиласига тегишли 1 миллион 694 минг 207 сўм тоvon пуллари шу кунгача тўланмаган.

Биз техника хавфсизлиги бўйича ўқув машғулларини мунтазам ўтказиб борамиз. Касб касаликларининг олдини олиш учун жойларда тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз, дейди Фаргона вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармасининг меҳнат шароитларини муҳофазаси ва экспертиза қилиш бўлими бошлиғи Р.Йўлдошев. — Ўтган йили 814 та корхона ва ташкилот ўрганилиб, уларга 731 та ёзма кўрсатмалар берилди. Меҳнатни муҳофазаси қилишга оид қонда, меъёр ва давлат андозаларига амал қилмаган 250 та мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Улар 3,1 миллион сўм жарима билан сийланди. 11 нафар мансабдор шахс ўз ишига лаёқатсизлиги сабабли эгзалаб турган лавозимидан озод этилди. 51 та дастгоҳ, механизмлар ва 17 та устаноналар фаолияти техника хавфсизлиги талабларига жавоб бермаганлиги сабабли тўхтатилди.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасини, хавфсизлиги техникаси қонда ва меъёрларига амал қилиши ҳамда ишловчилар учун етарли меҳнат шароитларини ярати берилиши бўйича қатор камчиликлар учраб турибди. Жумладан, асарият янги ташкил бўлган деҳқон-фермер хўжалиқларида ишловчилар ишга қабул қилинишида тиббий кўридан ўтказилмай, қабул қилинмоқда. Хавфсизлик техникаси йўриқномалари ишлаб чиқилмаган, махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари билан талаб даражасида таъминланмаган. Шу каби камчиликлар Езёнов туманидаги «Машъал» ва «Ислоббек», Учқўприк туманидаги «Сотиболди ота» ва «Тон», Оқунбобоев туманидаги «Гуломжон» фермер хўжалиқларида техника инспекторлари томонидан аниқланган. Натихада 2003 йил давомида 65 та бахтсиз ҳодиса юз берди. 18 нафар ишчи ҳалок бўлиб, қолганлари тан жароҳати олган. Жойларда техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига амал қилиниши тўғрисида ўз вақтида тушунтириш ишлари олиб борилиб, йўл-йўриқлар кўрсатилганда, иш жойлари ўз вақтида аттестациядан ўтказилмай, техника хавфсизлиги устидан доимий назорат ўтказилганида эди, юқоридagi бахтсиз ҳодисалар рўй бермасди.

Ю.ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Самарқанддаги Темир-бетон конструкциялари комбинати вилоятнинг йирик корхоналаридан бири. Ишонч яхши ташкил этилиши, замонавий технология, ташаббускорлик ҳамда махсулот сифатига бўлган алоҳида тўлаб бугунги кунда корхонанинг дидил одимларини таъминламоқда.

ХОМАШЁ ШУ ЕРНИНГ ЎЗИДА ТАЙЁРЛАНАДИ

Айни чоғда бу ерда ишчи-хизматчиларнинг унумли ишлаб, яхши дам олишлари, саломатликларини мустаҳкамлаб боришлари учун аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳимоя қўлами кенгаётганлиги эса иқтисодий кўрсаткичларнинг юқалишида асосий омил бўлмоқда. Корхонада 300 хилдан зиёд темир-бетон махсу-



АЁЛЛАРГА БАФИШЛАНДИ

«Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» республика гуманитар журналининг 2003 йилдаги тўртинчи сони гендер тенглиги, жамиятда хотин-қизларнинг мавқени юқалитириш масалаларига бағишланган. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида мазкур нашр тақдими бўлиб ўтди. Унга гендер муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш билан шуғулланувчи олимлар ва мутахассислар, давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари тақлиф этилди.

«Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журнали «Ижтимоий фикр» маркази ва Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий маркази томонидан 1998 йилдан бери нашр этиб келинади. Тахририят бир мазгуда бағишланган сонларни тайёрлаш тажрибасига эга. Масалан, уларнинг баъзилари жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш, жамиятни янада демократлаштириш борасида республика ва халқаро ноҳукумат ташкилотларининг биргаликдаги фаолияти каби долзарб масалаларга бағишланган эди. Шундай бўлса-да, журнал саҳифаларида «Аёл олами. Дунёда аёллар» руқни доимий бўлиб, унда хотин-қизларнинг аҳоли, уларнинг ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этиши шартлари ва механизмлари билан боғлиқ назарий ва амалий жиҳатлар очиб берилади. Бу мазгуд ўқувчиларда доим катта қизиқиш уйғотгани учун журналининг охириги сонини тулиқ шу мазгуда бағишлашга қарор қилинди.

Унинг муаллифлари орасида Олий Мақлисонинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), академик С.Рашидова, «Ижтимоий фикр» маркази директори, академик Р.Убайдуллаева, академик Г.Пугаченкова, бошқа таниқли жамоат арбоблари ва олимлар бор. Уларнинг мақолаларида хотин-қизларнинг тарих ва ҳозирги замондаги ўрни, аёлларнинг ижтимоий маконини ошириш имкониятлари, демократлаштириш ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш, бозор муносабатлари даврида иқтисодий қурилиш жараёнидаги иштирокини фаоллаштириш масалалари ёритиб берилган. Тақдирот маросимида таъкидландики, «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журналининг сўнгги сони Ўзбекистоннинг етакчи кутубхоналарига бепул жўнатилди ва олимпиадалар, гендер тенглиги бўйича мутахассислар ўртасида тарқатилди.

Ислоҳот мевалари

шароитда ишлаётганлар сут ва сут махсулотлари билан таъминланган.

НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД манбаига чек қўйилди

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ўтган давр мобайнида ушбу соҳа вакилларига бир қатор қулайлик, имкониятлар яратиб берилди. Эндиликда улардан фақат қонун доирасида фаолият юритиш талаб этилади, ҳоло. Бу эса тадбиркорлар даромадларига даромад қўшилиб, сармомлари ортиб боришини таъминламоқда.



Нафси ҳақалак отганлар

«Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» республика гуманитар журналининг 2003 йилдаги тўртинчи сони гендер тенглиги, жамиятда хотин-қизларнинг мавқени юқалитириш масалаларига бағишланган. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида мазкур нашр тақдими бўлиб ўтди. Унга гендер муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш билан шуғулланувчи олимлар ва мутахассислар, давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари тақлиф этилди.

«Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журнали «Ижтимоий фикр» маркази ва Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий маркази томонидан 1998 йилдан бери нашр этиб келинади. Тахририят бир мазгуда бағишланган сонларни тайёрлаш тажрибасига эга. Масалан, уларнинг баъзилари жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш, жамиятни янада демократлаштириш борасида республика ва халқаро ноҳукумат ташкилотларининг биргаликдаги фаолияти каби долзарб масалаларга бағишланган эди. Шундай бўлса-да, журнал саҳифаларида «Аёл олами. Дунёда аёллар» руқни доимий бўлиб, унда хотин-қизларнинг аҳоли, уларнинг ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этиши шартлари ва механизмлари билан боғлиқ назарий ва амалий жиҳатлар очиб берилади. Бу мазгуд ўқувчиларда доим катта қизиқиш уйғотгани учун журналининг охириги сонини тулиқ шу мазгуда бағишлашга қарор қилинди.

Унинг муаллифлари орасида Олий Мақлисонинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), академик С.Рашидова, «Ижтимоий фикр» маркази директори, академик Р.Убайдуллаева, академик Г.Пугаченкова, бошқа таниқли жамоат арбоблари ва олимлар бор. Уларнинг мақолаларида хотин-қизларнинг тарих ва ҳозирги замондаги ўрни, аёлларнинг ижтимоий маконини ошириш имкониятлари, демократлаштириш ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш, бозор муносабатлари даврида иқтисодий қурилиш жараёнидаги иштирокини фаоллаштириш масалалари ёритиб берилган. Тақдирот маросимида таъкидландики, «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журналининг сўнгги сони Ўзбекистоннинг етакчи кутубхоналарига бепул жўнатилди ва олимпиадалар, гендер тенглиги бўйича мутахассислар ўртасида тарқатилди.

Шу боис корхонада ўз касбининг усталари, ишлаб чиқаришнинг паст-баландини яхши билган мутахассислар тақлифи қўллаб-қувватланади. Комбинатда тўй ёки маърака ўтказаятганларга ҳаммаша моддий кўмак берилади. Ишловчиларнинг корхонага қатнашлари учун махсус автобуслар ажратилган. Ходим ўзи истаган сўнгги ютуқларни намойиш этишининг ажойиб имкониятидир.

Фулом ХИДИРОВ «Ишонч» муҳбири

Наврўзи қаҳратон киш устидан галаба қилишдаги севинч қаҳҳасига ўхшатиш келадди. У баҳорнинг ажойиб оҳанги ифодаси ва рамзидир. Фаслларнинг омонсиз тортишувлари ҳақида, яралиш билан емирилиш ўртасидаги олишувлар ҳақида узоқ ўтмишимизда жуда кўп равиоат ва афсоналар тўқилган. Чиндан ҳам гоёт ажабланиш ва сирли бир ҳолат. Ердан бир неча миллион астрономик адад узоқликдаги Кўёш Еримишдаги фаслларни, уларнинг такрорланиб, янгилиниб туришларини бошқариб ту-

зорликда эканлигини кўриб, уларнинг қисматидан ҳафланади:
Ҳайфим аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан, Олдилар ҳар ерда булбул ошнинг зоғлар.
Малҳам истаб кимсадин, захми дил издор айласанг, Чорас қилмоқдин ўзга, устига тирноқлар.

«Навбахор» шеърда тасвирланаётган руҳий кайфият шу билан чекланмайди. У ҳам Навойидек оптимизмни

КЎКЛАМОЙИМ КЕЛДИ ГУЛ ОЧИБ

ради. Ана шунинг оқибатларидан бири ҳар йили 21 мартга тўри келадиган бизнинг Наврўзимиздир. Бу икки палла йилнинг бирдан иккинчисига ўтиш кунда ҳам табиатда, ҳам инсон ҳаётида энг муҳим ва энг улкан воқеа ҳисобланади. Бунда Ер ва Кўёш бири-бирига яқин бўлсалар, ерда баҳамл баҳор бошланади, орқасидан кўнжкўнжи лиқ тўлиб, саховатли ёз ва куз келади.



«Баҳорнинг қутлуғ келиши одамларнинг кайфиятида маълум ижобий ўзгаришлар ясади. Бу тўғридан-тўғри кишилар яшайдиган жамиятдаги ижтимоий омилларга ҳам боғлиқ. Одамларнинг баҳорда шод-хуррамликда яшаши учун зарур шарт-шароитлар бўлмаса уларнинг шодлинишига раҳна тушади. Чунинчи, ўтмишда баҳор фасллариди ҳам кишиларнинг хор-зорликда, зулмда, ҳақсизликда яшаётганлигини кўрган Навойий кўп афсуслар чекиб, баҳор ва ёз бор эдим, бироқ севимли ҳаёт йўқ эди, бори эса қон ва ҳасратларга тўла эди, деб ёзганда ҳақ эди:

«Навбахор айбми бўлмиш, мен дибру ёрсиз, Булбул ўлгондек хазон фасли гулу гулзорсиз. ...Аҳли зухд ичра Навойи топмади мақсудга йил, Вақтингизни хуш тутинг, эй жамъим, хумморсиз».

Худди шу мақомда баҳорий маюслик билан дардини айтиб йилгаган шоир Муқимий бўлди. У «Навбахор» деб аталган газалини қувноқлик билан бошласа-да, шеърининг ўрта-орига келиб, унинг руҳий ҳолатини гамандуҳ чулғаб олганлигини кўрамыз. Баҳорда меҳрибон жўралар қидирган шоир қарга, зоғларга дуч келади. Шоир халқнинг асл фарзандлари хору

шиор қилиб халқ оммасини умидсизланмасликка қаҳиради. Уз даврида мақуравий зуғумлар изтиробидан кўнгли хира тортган яна бир улғу шоир Абдулҳамид Чўлпон бўлди. У Наврўз арафасида халқнинг тўқ, фаровон ва осойишта яшашидан мамнун бўлолмай, баҳорнинг келишини мўнгли бир тарзда тугаллайди ва унга умидли тилаклар тилайди:
...«Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди, Кўнгуллар ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди, Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирсайди!»

Навбой, Муқимий ва Чўлпонлар тасвирлаган бу манзаралар ҳаётни беҳад севган улғулар ва нотавон миллионлар

Шукуҳ

фожеаси эди. Ахир умр бўйи «бир он ҳам роҳат кўрмадим» деб дунёдан ҳасратга тўлиб ўтиб кетганларнинг, баҳор баҳрасини билмаган, Наврўз тантанасидан баҳраманд бўлмаган бечораларнинг ҳисобига етиб бўлармикан?

Ҳа, ўтмишда кўплар шундай эди. Бизда «Мустақиллик»нинг «Бас!» деб қилган ҳайқиригига қадар шундай бўлиб келди. Мустақил ҳаёт бошлаганимиздан кейин байрам устига байрамлар келарди. Мана ҳозир ҳам шодивоналик, тўй-тантана, барқамол баҳор байрами, она табиатда янги ҳаёт байрами. Бугунги Наврўз баҳарини мўъжизадан тарқиб топганга ўхшайди. Уни бутун жонлилар, бутун табиат, сон-саноксиз соат ва сонилар мобайнида орақиб кутади.

Айтишларича, «илик узилди»ларга биринчи табиий дармон бўладиган гиёҳлар ҳам шу паллада истеъмолга тайёр бўлади. Улардан баҳорий тансиқ таомлар – кўкчўчвара ва кўксомсалар тайёрланади. Сумалакнинг сели ҳам ана шу гиёҳлардан ташкил толади. Одам-зодадаги жамик ҳиссиётлар ҳам айнан баҳор кезлари жунбушга келади. Бу маҳалда қувноқ қизлар толқинининг нозик қувноқларидан сочпопуқлар, баргаклар ясаб тақадилар. Қийос гуллаган боғларда ҳусн ва назокатларини кўз-кўзлаб виқор ташлайдилар, бир-бирлари билан қиқчириб рақс тушадилар. Бу айёмда аксарият бўйдоқ, «кўзисар» ўқтам йигитлар энтиқиб, гул кўтариб ўз ёрлари хузурига ошқадилар, бир-бирларига роз айтишиб, сирли суҳбатлар қурадилар.

Наврўз назокатли чечаклар байрами бўлибгина қолмай, у моддий ва маънавий бойликлар яратишга жадал ундайдиган омил ҳамдир. Бу байрам нашидаси деҳқонни далага, санъат аҳлини ижодга илҳомлантиради. Бир сўз билан айтганда, тўкин ёзнинг тамал «тоши худди шу Наврўздан бошланади. Ахир, «баҳорги ҳаракат – кўзги баракат», деб бекорга айтилмаган. Қайд этмиш лозимки, гап фақат баҳор гули гўзаллигидангина эмас, уни ганимат деб билишда, қадрига етишда ҳамдир. Ҳақиқий гўзаллик ҳиссиёти кўп қирралидир. Баҳорги уйин-қулги ҳаммаси ижтимоий фойдали фаолият билан узвий боғланган бўлмоғи лозим. Ҳайриятки, ажойиб Наврўзимиз шу тартиб-қоидадан ташқарида, юксак инсоний ва бахтиёр ҳаёт қонунидан чеккада эмас. Шу боис, ҳам у биз учун гоёт қадридир. Ахир, халқимиз «тўй тегишли дастурхони билан тўй!» деб бежиз айтмайдилар. Бизда ҳар байрам шундай гўзал ўтади.

Маҳмуд НАЗАРОВ.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида ўтказилаётган илҳомлар таълим-тарбия мазмуни ва ўқитиш усулларини бугунги талаблар асосида тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури – амалда

Таълим-тарбия тизимида қайта тикланиш бугунда ўтмишга, янгиланиш эса келажакка интилишлар замиридаги воқелик бўлиб, мустақил фикрга эга бўлган ёшларни тарбиялашда мураккаб вазифага айланди. Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида олиб борилаётган ўқув-тарбия ишларида асосий эътибор ҳар томонлама етуқ шахсларни камол топтиришга қаратилган.

Таълим жараёнида иқтидорли болаларни ташлаш ва уларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда иш тўғрисида, – дейди туман халқ таълими бўлими мудири Энгел Ҳасанов. – Ўқув-тарбия ишлари давлат таълим стандартлари ва замонавий ўқув дастурлари асосида олиб борилади.

Тумандаги 70 та умумтаълим мактабларида 37 миң, 34 та мактабгача тарбия муассасаларида 2700, мактабдан ташқари таълим маканларида 5684 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда. Ўқувчилар туман ва республика миқёсида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашиб келишяпти. «Умид ниҳоллари» спорт

БЕРУНИЙДАН ЧИҚҚАН МУАЛЛИМ ЧИКАГО УНИВЕРСИТЕТИДА

мусобақаларида 11 тур бўйича ўз маҳоратларини синаб кўрган ёшлар голиблар сафидан ўрин олишди. Волейбол бўйича 38-ўрта мактабнинг қизлар, 66 мактабнинг ўғил болалар жамоаси Қорақалпоғистон Республикасида биринчи, мамлакатда учинчи ўринни қўлга киритишди. Республика миқёсида ўтказилган «Қувноқ стартлар» мусобақасида 64-мактабнинг ўқувчилари Тошкент шаҳри жамоаси билан беллашиб, мамлакат чемпиони бўлишди.

Фан олимпиадаларида турли фанлар бўйича 53 нафар ўқувчи қатнашиб, 9 таси голибикни қўлга киритди. 49-мактабдан Азиза Ҳасанова ўзбек тили ва адабиёти, 63-мактабдан Замира Тоймибетова ҳуқуқшунослик, 49-мактабдан Улғабек Ғаниев иқтисоди, 59-мактабдан Қарлиғали Жунатова қорақалпоқ тили, 27-мактабдан Баян Бисекбоева чизмачилик фанларидан пухта билимга эга эканликлари

намоиш этдилар. 2-ўқувчи ёшлар техник ижодкорлик марказининг иштирокида «Варрақлар байрами» мусобақасида республикада иккинчи ўрин соҳиби бўлишди. Тошкентда ўтказилган мусобақаларда берунийлик ёшлардан Рустам Янгибоев ва Илёс Жалимбетовлар Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

Таълим муассасаларининг моддий-техника базаси мустақамлашиб бораётганлиги ўқув-тарбия самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мактабларни таъмирлаш учун маҳаллий бюджет ва хомийлар томонидан 21 миллион 100 миң сўм маблағ ажратилди. 49 ва 63-мактабларга 7 миллион 390 миң сўмлик компьютерлар, 14 миллион 749 миң сўмлик ўқув парталари олиб берилди.

Ўқувчиларнинг нуфузли танловларда иштирок этиши анага айланган. 69-ўрта мак-

табнинг инглиз тили фани муаллимаси Эркинйи Ҳайитбоева Америка Қўшма Штатларининг Чикаго университетидида икки ой малака ошириб келди. Роза Маширпоева, Илҳом Эркабоев, Холбой Сафоев, Сапарғул Аннаева, Динора Исоқова, Манзура Вапаева сингари муаллимлар ёш авлодга чуркур ва пухта билим бермоқдалар.

Таълим-тарбия ишларининг бугунги кун талабларига монандлигини эришилган ютуқлар яққол кўрсатиб турибди. 39миңлик 966 миң 978 сўмлик кийим-кечақлар, Освё ривожланиш ва тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 2-9-синф ўқувчиларига 130 миң сўмлик 49 номдаги дарсликлар берилди.

Туман мактабларида ёшларнинг миллий истиқлол мафқураси асосида Ватанга садоқатли, билимли ва эътиқодли кишилар қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбия самарадорлиги тобора ошмоқда.

Болтабой ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири

Ташаббус КАСАБА УЮШМА ЖАМОАСИ ИҚТИДОРЛИ ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИ САРАЛАДИ

Қизилтепа туманида болалар спортини ривожлантириш мақсадида олдидан тўзилган режа асосида кенг қамровли ишга олиб борилапти. Келажакимиз ворислари бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топтиришдек эзгу мақсадга йўналтирилган ушбу хайрли ишни тўла муваффақият билан амалга оширишда касабга уюшма ташкилотлари ҳам ўзининг муносиб улўшини кўшмоқда.

Туман таълим ва фан ходимлари касабга уюшма вақилиги яқинда хайрли ишга қўл урди. Тумандаги Абдураҳмон Жомий номи мактабда 12-14 ёшли болалардан ташкил топган футбол жамоаси тўзилди. Айни вақтда бу ерда туман ўқувчилари орасидан саралаб олинган 15 нафар энг иқтидорли ёш футболчилар билан тахрибали мураббий машғулотлар олиб бораляпти.

Ёш футболчилар жамоаси вилоят тармок ходимлари касабга уюшма кўмитаси ҳамда туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда болалар спортини ривожлантириш дастури талабларини бажариш мақсадида ташкил этилди. Жамоани спорт жиҳозлари ва кийим-бошлар билан таъминлаш учун 300 миң сўм миқдоридида маблағ ажратиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги вақтда ёш футболчиларимизга 165 миң сўмлик махсус спорт кийимлари ва тулпар олиб берилди. Ишончлики, савий-харакатлари миз ўз самарасини беради. Болалар футбол жамоамиз келгусида туман, вилоят, қолаверса, республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб қатнашиб, улкан галабаларни қўлга киритади, – дейди вилоят тармок ходимлари касабга уюшма кўмитаси вакили Қаҳрамон Мақсудов.

К.ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири

2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

КЕКСАЛАР ФАРОФАТ ИСТАЙДИ



Лолахон Йўлдошева. – Республикаимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан қариялар бу ерга шифо ис-таб келишади. Уларнинг мириқиб хордик чикариши, зарур муолажаларни ўз вақтида олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бу сиҳатгоҳ дастлаб 150 ўринга мўлжалланган экан. Бугунга келиб ҳар ўн саккиз кунда 200 дан ошиб бемор шу масканда соғайиб, уйларига хуш кайфият билан қайтишади. Энг замонавий тиббий жиҳозлар – электр, лазер апаратуралари, уқалаш хоналари, шифобахш ванна, душ, парфинли муолажалар беморлар жониға оро қиради. Қариялар ётиб даволадиган хоналар озода, ёруғ...

Сиҳатгоҳнинг ҳар қаватида оилавий тарзда даволадилан, ором олувчилар учун алоҳида хоналар ажратилган. Биз беморлар билан ҳам суҳбатда бўлдик.

– Ҳар бир муолажадан сўнг ўзимни кувшек энгил сезаман. Шифокорлар ширинсўз, меҳрибон. Барака топишсан, – дейди Садолат Раҳматуллаева. – Қариялар ақши сўз, меҳрга муҳтож бўлишади. Аслида инсонга энг яқин дори инсоннинг меҳри эканини шу ерда янада яққол ҳис этдик, – дейди Онабий Отахоновна.

– Ўзимизни худди уйимиздагидек ҳис этаямики, – дейди Шарафиддин Султонов.

Хуллас, сиҳатгоҳда даволадиланган беморларнинг ҳаммалари мамнун. Уларни асраб-авайлаб, беминнат ёрдамини аямаётган шифокорлар бу ерда жуда кўп экан. Олий тоифали шифокор, буши директор ўринбосари, Гошарьяно Маҳмудова, қўли энгил дўхтир Зайнаб Турсунметова, ҳамширалар – Маҳфуза Зокирова (бош ҳамшира), Соҳиба Аҳамжонова, Шахло Ергашева, Феруза Усмонова, Муяссар Топилова, Зарифа Қосимова, Гўзал Қосимова-лар ҳар битта муолажанинг қўнғилдагидек бўлишини таъминлайдилар.

Сиҳатгоҳда бод, юрак қон-томир, ошқозон-ичак, бўғин хасталиклари билан оғриган беморлар анчагина. Уларга тиббий муолажадан ташқари турли жисмоний машқлар буюрилади, кайфиятни кўтарувчи суҳбатлар, қўнғилочар тадбирлар уюштирилади. Турли касалликлар учун дори-дармон ўрнини босадиган гиёҳшарбатлар тайёрлаб берувчи «Фитобар» туну кун ишлайди.

Шифокорларнинг юзидида табассум. Гўёки улар мўътабар отахону онахонларга меҳр ила боқиб «Дардингизни олай...» дейдигандек туюлди бизга.

Г.ЖАМИЛОВА

Жаҳон спорти

Халқаро футбол уюшмалари кенгаши (ИФАБ) Англиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган мажлисда футбол ўйини қондаларига қатор ўзгаришлар киритди. Халқаро футбол уюшмаси - ФИФА, Англия, Шотландия, Уэльс ва Шимоллий Ирландия вакиллари иштирок этган йиғилишда қабул қилинган янги қондалар жорий йилнинг 1 июлидан қўлдан киради.

Аксарият қузатувчилар Лондондаги мажлисда ИФАБ мутахассисларининг сунъий қопламали майдонларда расмий учрашувлар ўтказишни қонунлаштириш тарихий воқеа сифатида эътироф этмоқда. Бироқ бундай майдонлар-

га тушади. Агар қайси жамоа биринчи бўлиб тўп киритса, учрашу шу пайтнинг ўзида якунланади.

Асосан Еврокубок мусобақаларида амал қилинаётган «кумуш гол» қондаси асосий вақтдан кейин қўшиб берилган бўлимларнинг қай-

си бирида жамоа гол киритса, фақатгина ўша бўлим охиригача ўйналади. Мисол учун бир жамоа дастлабки 15 дақиқада дарвозани иш-гол қилса, рақибда фақат ўша бўлимда ҳисобни тенглаштириш имкони бўлади ҳолос.

Энди учрашувоғлиби аниқлашни шарт бўлган беллашувлар ўтказилса, асосий вақтда дуранг ўйнаган жамоалар яна тўпчи ярим соат ўйнаши лозим. Шунда ҳам дуранг натижа сақланиб қолса, голиб жамоани пенальтири серияси аниқлаб беради.

Энди учрашувоғлиби аниқлашни шарт бўлган беллашувлар ўтказилса, асосий вақтда дуранг ўйнаган жамоалар яна тўпчи ярим соат ўйнаши лозим. Шунда ҳам дуранг натижа сақланиб қолса, голиб жамоани пенальтири серияси аниқлаб беради.

Эзда Португалияда ўтадиган Европа чемпионатидан кейин қушга қирадиган янги қондалар қай даражада ҳаётий эканини вақт кўрсатади.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ, УЗА шарҳловчиси

ФУТБОЛДАГИ ЯНГИ ҚОИДА

да ўйин ўтказиш учун қоплама ФИФА стандартларига тўлиқ жавоб бериши ҳамда мусобақа регламентидида қайд этилиши талаб қилинади.

Яна бир янгилик - бир неча йил давомида жаҳон футболдида амалда бўлган «олтин гол» ва яқиндагина жорий қилинган «кумуш гол» қондаларидан бутунлай воз кечилдиган бўлди. «Олтин гол» қондаси асосий вақтда голиб жамоа аниқланмаган ҳолда қушга қиради. Бунда футболчилар 15 дақиқадан яна икки бўлимда майдон-



ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳўжаева, Маммура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топширилш вақти - 21.00
Топширилди - 22.50

Биласизми?
Махсус хизмат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютердида териди ва сақланилган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ, Сотивда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.
А.АЛИЕВ